ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
КИТОБ ТУМАНИ
ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QASHQADARYO VILOYATI
KITOB TUMANI
HOKIMINING QARORI

180700 Kitob shahar Katta yo'l ko`chasi 32-uy tel: 542–53-07

2020 yil 14 январ X-17 / 04 - son Kitob shahri

4Р-23Л Китоб-Шахрисабз, 4К-303 Китоб-Мираки, 4К-277 Китоб-Шут-Севаз автомобил йўллари ҳамда Катта йўл кўчасида автомобиллар қатновини тартибга келтириш, техника хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликни олдини олиш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги ""Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ЎРҚ-348-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)* қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги "Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 370-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 23-модда; 2017 й., 36-сон, 958-модда)* қарори ижроси, шунингдек, 4Р-23Л Китоб-Шахрисабз, 4К-303 Китоб-Мираки, 4К-277 Китоб-Шут-Севаз автомобил йўллари ҳамда Катта йўл кўчасида автомобиллар қатновини тартибга келтириш, техника хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги ""Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ЎРҚ-348-сонли қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги "Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 370-сонли қарорига асосан автомобиллар қатновини тартибга келтириш, аҳоли ва техника хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликни олдини олиш мақсадида:

- 4Р-23Л Китоб-Шахрисабз автомобиль йўлининг туман ИИБ биноси олдида 3.27 "Тўхташ тақиқланган" ва 7.2.1 "Таъсир оралиғи" ҳамда Катта йўл кўчаси билан туташ чорраҳа кисмининг ҳар иккала томонига жами 2 (икки) дона 3.27 "Тўхташ тақиқланган" йўл белгилари;

-Катта йўл кўчасидан туман ҳокимлиги, ободонлаштириш бошқармаси, туман прокуратураси ва суд биноларига кириш йўлида 3.27 "Тўхташ таъқиқланган" йўл белгилари;

- 4К-303 Китоб-Мираки автомобил йўлининг 1-2 км оралиғида Китоб тиббиёт бирлашмаси олдида ҳар иккала томонига жами 2 (икки) дона 3.28 "Тўхтаб туриш тақиқланган" йўл белгисини, умум фойдаланишдаги йўлларини ҳолатини сақлаш максадида, 11-14 км орлиғида 3.12 "Ўққа тушадиган оғирлик чекланган" йўл белгилари;

- 4К-277 Китоб-Шут-Севаз автомобил йўлининг 1-9 км оралиғида бир неча тош майдалаш цехлари (карерлар) жойлашганлиги сабабли ушбу автомобиль йўлининг ҳолатини сақлаш максадида 3.12 "Ўққа тушадиган оғирлик чекланган" йўл белгилари ўрнатилсин.

2. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (С.Султонов) ушбу йўл белгиларини ўрнатиш чорасини кўрсин.

3. Туман ИИБ ЙХХГ (М.Султонов)га:


- Ушбу йўл белгиларини ўрнатилиши муносабати билан автомобиллар катновини тартибга солиш, тирбандликни олдини олиш, аҳоли ва техника хавфсизлигини таъминлашга эътибор каратсин.

-"Китоб-Қарши" ва "Китоб-Тошкент" йўналиши бўйича ҳаракатланадиган йўловчи ташувчи автомобиллар катновини И.Йўли кўчасида жойлашган "Автовокзал" ҳудудидаги автомобиллар туриш жойидан йўлга кўйилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.


4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И.Халимов зиммасига юклатилсин.

5. Қарор расман эълон килинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **А.Закиров**

Туман хокими ўринбосари  **И.Халимов**

Туман хокимлиги бош юрисконсульти  **Р.Ахмедов**

Туман хокимлиги бош мутахассиси  **Ф.Усмонов**